МАРАИМ ЖАЛИЛОВ

# ҚЎШИҚЛАР ХРЕСТОМАТИЯСИ

I- КИТОБ

Овоз ва фортепиано учун клавир

ТОШКЕНТ- 2002

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА
ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

МАРАИМ ЖАЛИЛОВ

# ҚЎШИҚЛАР ХРЕСТОМАТИЯСИ

(қўлланма)

I КИТОБ

Овоз ва фортепиано учун клавир

БИБЛИОТЕКА
Инв. № 159008

ТОШКЕНТ - 2002

18-75

Ўзбекистон Республикаси Олий ўқув юртлариаро илмий – услубий бирлашмалар фаолиятини мувофиқлаштирув - чи кенгаш президиуми (23 сонли баённома, 22. 12. 2001 й) томонидан ўқув қўлланм–а сифатида нашрга тавсия этилган.

Тақризчилар:

1. Саодат Қобилова ..................... халқ артисти, профессор.
2. Муқаддас Ризаева ..................... хизм. кўрс. Маданият ходими профессор.

Муҳаррир: М. Азизова

Редактор: Норқулова Замира Холматовна

© Низомий номли ТДПУ – 2002 йил.

# Муаллифдан

Бўлажак мусиқа ўқитувчиларини вокал бўйича (овоз устида ишлаш машғулотлари) малакаларини ошириш ва бой қўшиқлар дастури (репертуари) билан қуроллантириш уларнинг касб-ихтисосларида муҳим аҳамиятга эга.

Мазкур "қўшиқлар хрестоматияси" – китобининг асосий мақсади вокал дарсларида – мусиқа ихтисослиги бўйича бўлимлари бор олий ўқув юртларида, махсус ўрта мусиқали билим юртларида миллий ўзбек асарлари билан бойитишгина бўлиб қолмай, талабаларга ҳар бир асарга алоҳида ёндашиш учун методик йўл-йўриқлар кўрсатишдан ҳам иборатдир.

Бу китоб вокал синфи дастури асосида тузилган бўлиб, у турлича овозларда (альт,сопрано,тенор,баритон) куйлай олиш имкониятларига эга бўлган ижрочиларга мослаб танланган вокал асарларни ўз ичига олган. Қўшиқлар куйланиши жиҳатидан турлича бўлганлиги сабабли баъзи техник қийинчиликларни бартараф этишга тўғри келади. Албатта бунинг учун талабанинг имкониятидан келиб чиққан ҳолда, асарлар педагогик нуқтаи назаридан танлаб олиниши лозим.

Ўзбек композиторлари томонидан турли даврларда кўплаб вокал асарлари яратилган бўлсада,уларнинг анчагина қисми чоп этилмай, қўлёзма сифатида қолиб кетган,баъзилари чоп этилган бўлсада, маълум услубга-тартибга туширилмаган ва улар орқали педагогик нуқтаи-назардан амалга оширилиши зарур бўлган вазифалар кўрсатиб берилмаган.

Уч қисмдан яъни I,II,III-китоблардан иборат"қўшиқлар хрестоматияси"-бу камчиликларни бартараф қилиш, шунингдек ҳар бир асарнинг ўрганиш жараёнида талабаларнинг вокал малакаларини шакллантиришдаги вазифасининг белгилаб берилиши ва билимларинипедагогик услублар асосида тизимлаштириш юзасидан қилинган дастлабки уринишдир.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист
профессор Мараим Жалилов

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист,
профессор: Мараим Жалилов.

# АННОТАЦИЯЛАР
(Асарларга методик тавсиялар)

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ДАВЛАТ МАДҲИЯСИ

Мадҳия - Ўзбекистон ғурури, фахри. Мадҳияни тинглаганда, куйлаган вақтда инсон қалби тўлқинланади.

У кўтаринки руҳда ёзилган. Шу руҳда куйлашни талаб этади.

У ижро этилган вақтда ҳамма ҳурмат юзасидан тик туриб этишади.

Юртбошимиз ташриф буюрган барча мамлакатларда мадҳиямиз салобатли ижро этилади. Спортимиз ғолиблари мадҳиямиз садоси остида мағрур турган ҳолда нишонлар билан мукофотланадилар.

Мадҳиямизни мамлакатимизнинг барча фуқаролари ёд билмоғи шарт.

## ЖОН ЎЗБЕКИСТОН

Бу асар куйлаш учун жуда қулай ёзилган бўлиб, ижро этишда тантановор, яхши кайфият, тетик ва тўлиқ овоз, кўтаринки руҳ талаб этади. Қўшиқ сўзларини аниқ ва бурро талқин қилиш керак бўлади. Қўшиқ аккомпонименти жўшқин ва шиддатлилиги ижрочининг руҳиятини кўтариб, овоз имкониятларини баралла қўйиб куйлашга уйғунлик бағишлайди. Ижрочи асарни юқори пардаларига чиққанда овоз зўриқмаслигига эътибор бериш лозим.

## ҲОСИЛ ТАРОНАСИ

Ушбу асарнинг ижро этилиши юқорироқ нотадан бошланиб пастга қараб йўналлиши, уни тетик, кўтаринки руҳ, жарангдор ёқимли овоз билан куйлашга ундайди.

Ижро этишда тўлиқ овоз ишлатилсада, лекин кўп овозни зўриқтирмасдан куйламоқ керак.

Қўшиқнинг сўзларига яхши эътибор бериб аниқ, бурро, чаққон талаффуз этмоқ лозим.

## БАХТ ҚУЁШИ

Баритон овозларига мўлжалланган ушбу асар дадил шаҳдамлик руҳида ёзилган бўлиб, овоз жарангдорлигини оширади. Нафас таянчини мустаҳкамлайди. Чаққон ва баралла куйлаш учун анча қулай бўлганлиги сабабли вокал кўникмаларини пухта эгаллашларига самарали ёрдам беради. Асарнинг 23 ва 24 тактида албатта ферматага риоя қилиб шошилмай, кенг, эркин ижро этмоқ лозим.

## ВОДИЙ ДУРДОНАСИ

Профессионал куйлашга илк қадам қўяётган аёллар овозларига мўлжаллаб ёзилган ушбу асар овоз диапазонини тўлиқ ва текис бўлишига ёрдам беради. Хонандалик кўникмаларининг шаклланишига, талаффузини яхшилашга, нафас йўлларини мустаҳкамлашига қўл келади.

Яхши кайфият билан эркин, равон ва бийрон куйламоқ лозим. Сўзларни тиниқ ва аниқ талаффуз қилган ҳолда вокализ (0.) жойларида товушни ёқимли ва ширали қилиб айтиш керак.

## ЧАМАН ИЧРА

Унча катта бўлмаган бу ўзбек халқ қўшиғи ўзининг куйи билан ёқимли ва эсда қоладигандир. Қўшиқ асосан аёллар овозига ёзилган бўлиб, уни куплетларининг қайтарилиши қўшиқ сингиб кетишига ёрдам беради. Қўшиқни юқори пардадан паст пардага қараб айтилиши овозни равон, эркин, жарангдор қилиб ижро этишга ундайди.

## АЛЛА

"Хамза" кинофильмидаги ушбу Алла қўшиғи унча баланд бўлмаган аёллар овозига мўлжалланган бўлиб, нафасни мустаҳкам ушлаган ҳолда овозни зўриқтирмасдан юмшоқ, мулойим, сидқидилдан, бир маромда, шошилмай куйлашга интилмоқ керак.

Овознинг бир хил чиқишига эътибор берган ҳолда қорин бўшлиғида нафас орқали катта меҳр ва ҳис – туйғу билан куйламоқ лозим.

## ДАВРОН СУРАЙЛИК

Хотин-қизлар овозларига мўлжаллаб ёзилган мазкур асар ижрочидан чаққонлик билан куйлашни талаб қилади. Ушбу асар куйловчининг талаффузини яхшилашга ёрдам берибгина қолмай, балким ўрта пардаларнинг жарангдорлигини оширади. Ҳамда нафас йўлларини мустаҳкамлайди. Қўшиқ сўзларини бийрон, аниқ, шаҳдамлик билан куйламоқ лозим.

## ЁРИМ СЕНИ ИСЛАЙМАН

Ушбу асар шошилмай, ўйчан, ҳис-туйғу ва вазминлик билан ижро этишга тавсия этилади.

Қўшиқни айтишда нафасни тежалган ҳолда бир текисда узлуксиз овоз билан кучанмай, куйламоғи лозим. Ижрочи сўзлар маъносини англаган ҳолда диққат ва эътироф билан куйламоғи даркор.

## СЕВИКЛИ ЁР

Қўшиқ вальс услубида ёзилган бўлиб, кўпроқ аёллар овозига мосдир. Асарни ижро этишда хонанда овоз йўналишини узмасдан, лирик услуб бериб, бўшаштирмасдан, жаранглироқ овоз билан, сўзларни аниқ пухта айтишга эътибор бермоғи лозим. Қўшиқнинг авжида овозни зўриқтирмасдан куйлашга ҳаракат қилмоғи лозим.

## ГЎЗАЛ ТОШКЕНТ
("Мафтунингман" кинофильмидан)

"Мафтунингман" кинофильмидаги ушбу қўшиқ ўртача диапазонли аёллар овозига мўлжалланган бўлиб, оҳанги жиҳатдан жуда ёқимли, нафис ва майин ёзилган. Ижро этганда овозни эркин қўйиб, ортиқча овоз сарф қилмасдан, нафасни тежаган ҳолда, юмшоқ овоз билан ижро этмоғи лозим.

## ДЎСТЛИК ҚЎШИҒИ

Унча мураккаб бўлмаган ушбу асар Озарбайжон халқ оҳангларидан фойдаланиб ёзилган бўлиб, ижрочи овозини ёқимли, жарангдорлигини бақувват қилиш билан бир қаторда баралла ва равон куйлашга ундайди.

Шу билан биргаликда сўзларни дона-дона қилиб куйлаш малакаларини оширади.

## ЭЙ ДИЛРАБО

Ушбу асар соддароқ ёзилган бўлса ҳам лекин ритм (ўлчов) жиҳатидан озгина мураккаблиги бор.

Ижро этишда юқори нотадан паст нотага тушаётганда товушнинг юқори ҳолатини сақлаган ҳолда, иштиёқ билан равон куйлаш лозим.

Ушбу қўшиқ овози анча шаклланиб қолган хонандаларга тавсия этилади.

## МЕҲНАТ ЗАВҚИ

Ушбу қўшиқ унча мураккаб бўлмаса ҳам ижрочидан эркинлик, равонлик, яхши кайфият ҳамда шаҳдамлик талаб қилади. Асар жўшқинлик услубида ёзилгани учун сўзларни аниқ ва бурро талаффуз тақозо этади. Кўтаринкилик руҳида ёзилган ушбу асар, вокал кўникмаларини анча ўзлаштира олган ва ижрочилик маҳорати шаклланган хонандаларга тавсия этилиши лозим.

## ЮРТИМ СЕНГА САЛОМ

Қўшиқ унча мураккаб бўлмаган ҳолда, жарангдор товуш билан тантанавор, эркин куйлашни талаб қилади. Айниқса, қўшиқ сўзларини аниқ, тез, бурро-бурро айтмоқ лозим. Қўшиқни вокализ жойларидаги (0....)ни ёпиқроқ овоз билан, равон, абжир, ғайрат билан куйлаш тавсия этилади.

## ДУГОНАЛАР

Аёллар овозига мослаб ёзилган бу асар ўзининг оҳанги, жозибадорлиги, жарангдорлиги, қувноқлиги билан бошқа қўшиқлардан фарқ қилиб туради.

Ижро этганда овозни равон қўйиб, эркин табассум билан айтиш керак. Қўшиқнинг сўзларини тез, бурро талаффуз қилмоқ лозим. Вокализ (о....) жойларида овозга эркинлик бериб, ёқимли товуш билан куйламоқни тавсия этилади.

## ТАРАЛДИ ШОДИЁНА

Ушбу замонавий, ёқимли қўшиқ аёллар мўлжалланган бўлиб, шошилмасдан, илҳом билан, сайқал бериб куйламоқ лозим.

Овозни бир хил чиқишига эътибор бериб, яхши кайфият билан, ортиқча овоз сарф қилмасдан, табиий, чиройли товуш билан ижро этишга ҳаракат қилинг.

### ПАХТАЗОРГА ПАРВОНАЛАР

Тесситура жиҳатдан унча қийин бўлмаган, соддароқ шаклдаги ушбу қўшиқ аёллар овозига мўлжаллаб ёзилган бўлиб, ижрочидан катта маҳорат, чаққонлик, орфоэпик жиҳатдан сўзларни аниқ ва бурро қилиб куйлашни талаб этади. Шовқинсиз нафас олиб, жумланинг охиригача етказишга эришинг.

### ЧЎПОН ЙИГИТ ВА ҚИЗ ДУЭТИ

Ушбу дуэт халқ оҳангларида яратилган бўлиб, ижро этишда албатта қўшиққа нола ва қочиримлар бериб, яхши кайфият билан, шошилмасдан куйламоқлари лозим. Сўзларнинг маъносига тушунган ҳолда, ўртача қувватли овоз билан майин, табассум ила, ифодали қилиб куйлашга эришишлари лозим.

### КУЙЛАЙМАН

Ватанни мадҳ этувчи ушбу қўшиқ ўртача диапозонли овозларга мўлжаллаб ёзилган бўлиб, ижрочидан тантанавор руҳ яхши кайфият ва ўз навбатида хонанда овозини баралла ва ҳужум билан ишлатишни талаб қилади.

Сўзларни аниқ ва зарб билан куйлаш зарур.

### ОҚ КАПТАР

Бу қўшиқ аёллар овозига мўлжаллаб ёзилган бўлиб, ўзининг ёқимлигиги, равонлиги, ўйноқироқлиги билан ажралиб туради. Ижро этишда овозга эркинлик бериб, дадиллик билан куйламоқ лозим. Сўзларнинг маъносига тушуниб тез ва аниқ талаффуз қилмоқ лозим. Овознинг бир хил чиқишига ва чиройли товуш ҳосил қилиб куйлашга ҳаракат қилиш мақсадга мувофиқ бўлади.

### СЕНСАН БОҒУ ГУЛШАН

Унча мураккаб бўлмаган бу романс ижрочидан шаклланган (профессионал) овоз талаб қилади. Асар жуда нозик ёзилган бўлиб, маълум даражада куйлаш маҳоратига эга бўлишни талаб қилади. Тўлиқ нафас ва овознинг зўриқмаслигига эътибор берган ҳолда, маъноли, меҳр билан ижро этмоқ лозим.

## ЙЎЛЛАРИМ

Ўртача диапозонли аёллар овозига мўлжалланган бу қўшиқ, оҳанг жиҳатидан эсда қоладиган, ижро этишга қулай ҳисобланади.

Қўшиқни айтганда ҳар мусиқа жумласини бир нафасда куйлаш керак. Асарнинг юқори ноталарида (до-диез, ре) пардаларини зўриқмасдан (қичқирмай) узлуксиз овоз билан куйламоқ керак.

Ундош ҳарфларни бурро, тиниқ, тез ва аниқ талаффуз қилиш зарур.

## ҚУЁШИСТОН

Эркаклар овозига мўлжаллаб ёзилган бу асар ўзининг равонлиги, жозибадорлиги, тетиклиги билан бошқа асарлардан фарқ қилади.

Қўшиқнинг юқори парда (нота)лардан паст нотага тушаётганда овознинг юқори ҳолатини сақлаб қолмоқ зарур. Яхши кайфият билан, ёпиқроқ, жарангдор товуш билан, сўзларга эътибор бериб куйламоқ лозим.

## ЎЗГАЧА

Ушбу асар аслида мусиқали драма учун ария сифатида ёзилган бўлиб, халқ куйларига яқин қўшиқлардандир.

Асар шошилмай, чуқурроқ оҳангдор куйлашни талаб қилади. Халқ қўшиқларида ишлатиладиган нола ва кочиримлардан фойдаланмоқ керак.

Асарнинг авжи (о....) да зўриқмасдан, ёпиқроқ овоз билан, товушни кенгайтирмай, тўлиқ овоз билан ижро этиш тавсия этилади.

## ЮРАГИМНИ СЕЗАРСАН

Бу асар эркакларнинг паст диапозонли яъни баритон овозлари учун ёзилган. Куйлаган пайтда кўкрак қафаси резонатори билан алоқани боғлаб борган ҳолда овознинг тиниқлигига ва думалоқлигига эътибор беринг. Қўшиқ, ортиқча овоз сарф қилмасдан осойишта, мулойим, ёқимли, ҳамда узлуксиз овоз билан айтишни тақозо қилади.

Асар аккомпонименти ҳам оғирроқ, чуқурроқ, салмоқлироқ ва оҳиста жўр бўлишни талаб этади.

## СОВҒА ҚИЛДИМ ИСИРҒА

Мусиқали драмадаги қиз ва йигит учун ёзилган бу лирик дуэт унча мураккаб эмас. Ижро этиш учун жуда қулай. Асарни айтганда ёқимли, табассум ила, яхши кайфият билан мазмунли қилиб куйламоқ лозим. Ортиқча овоз сарф қилмасдан асарга сайқал бериб, сўзларга эътибор бериб майин айтиш керак.

## ЁР КЕЛСИН

Асар замонавий романс услубида ёзилган бўлиб, ижро этиш учун жуда қулай. Қўшиқнинг юқори нотадан бошланиб, паст нотага тушаётганда товушнинг юқори ҳолатини сақламоқ лозим.

Жарангдор товуш билан, сайқал бериб, лирик услубини сақлаган ҳолда табиий ижро этмоқ мақсадга мувофиқ бўлади.

## ИНТИЗОРМАН

Эстрада тавсифида ёзилган ушбу қўшиқ, эркак овози учун ёзилган бўлиб, ижрочи овозини эркин, равон қўйиб майин услубда куйлашга ундайди ҳамда профессионал нуқтаи назардан яхши шаклланган овозда нафасни мисралар охиригача етказиб сўзларни аниқ ва бурро қилиб айтишни талаб этади.

Юқоридаги "Соль" нотасини жуда эҳтиёткорлик билан овозни зўриқтирмасдан ижро этмоқ лозимдир.

## "ОТМАГАЙ ТОНГ"

Ушбу аса-р асосан "Тоҳир ва Зуҳра" – мусиқали драмасига дуэт сифатида яратилган. Асар халқ қўшиқларига жуда ўхшаш бўлганидан, қўшиқ сифатида ҳам ижро этилиб келинади.

Асарни ижро этишда сўзларнинг маъносига тушунган ҳолда ортиқча овоз сарф қилмай, ёқимли, яхши кайфият билан, куйламоқ лозим. Авж қисмида овозни баралла чиқариб қичқирмасдан ёпиқроқ товуш билан айтмоқ керак.

## ЎРИК ГУЛЛАГАНДА

Қўшиқ лирик услубда, диапозони ўртача бўлган, аёллар овозига мўлжаллаб ёзилган бўлиб, ижрочидан анча профессионаллик талаб қилади. Асарнинг оҳанги ниҳоятда мулойим, ёқимли бўлганлиги сабабли нола ва қочиримлардан фойдаланиб, сайқал бериб айтишни тақозо қилади.

Узлуксиз овоз билан нафасни тежаган ҳолда ижро этмоқ лозим.

## ИШҚИНГДА ЁНИБ

Асар лирик услубда ёзилган бўлиб, ёқимли куйлашни талаб қилади. Энг муҳими овоз ширасини йўқотмаслик лозим. Ортиқча куч сарф қилмасдан нафасдан пухта фойдаланиб, сўзларнинг маъносига тушунган ҳолда ёпиқроқ товуш билан, зўриқмасдан, куйлаш мақсадга мувофиқ бўлади. Оҳангдор майин овоз билан шошилмай, сайқал бериб, мазмунли куйлаш тавсия этилади.

## БАХТИМ, МАДОРИМ БОР

Мазкур қўшиқ лирик – баритон овозлар учун ёзилган бўлиб, ўзбек миллий услубларини эгаллашга ёрдам беради. Асарнинг бошида даромад қисмида товушнинг тўлиқлигини йўқотмай, кўкрак резонаторидан фойдаланиб, шошилмай, бемалол ижро этмоқ лозим. Авжида нафас таянчига ишонган ҳолда – "о" – ни ёпиқроқ овоз билан сўзларини аниқ, равон куйламоқ лозим.

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ДАВЛАТ МАДҲИЯСИ

М.Бурхонов мусиқаси
А.Орипов шеъри.





cresc.
-гай то а-бад ил- - му фан и-жод, Шуҳ-ра-тинг пор-ла-
-лол машъ-а-ли тинч-лик пос-бо-ни, Ҳақ-ер-вар о-на
cresc.
Накарот:
a tempo
син, то-ки бор жа-ҳон! Ол - - тин бу
юрт, ман-гу бўл о-бод!
a tempo
во - дий-лар жон Ўз-бе-кис-тон; Аж-дод-


-лар мар-до-на ру- -ҳи сен-га ёр! У-луғ
халқ қуд-ра-ти жўш ур-ган за-мон! О-лам-ни маҳ-ли-ё ай-ла-
-ган ди-ёр! Бағ-ри -ган ди- ёр!

Серқуёш, ҳур ўлкам, элга бахт, нажот,
Сен ўзинг дўстларга йўлдош меҳрибон!
Яшнагай то абад илму фан ижод,
Шуҳратинг порласин токи бор жаҳон!

Нақорат:

Олтин бу водийлар- Жон Ўзбекистон,
Аждодлар мардона руҳи сенга ёр!
Улуғ халқ қудрати жўш урган замон,
Оламни маҳлиё айлаган диёр!

Бағри кенг ўзбекнинг ўчмас иймони
Эркин, ёш авлодлар сенга зўр қанот!
Истиқлол машъали, тинчлик посбони,
Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

Нақорат:

Олтин бу водийлар- Жон Ўзбекистон,
Аждодлар мардона руҳи сенга ёр!
Улуғ халқ қудрати жўш урган замон,
Оламни маҳлиё айлаган диёр!

# ЖОН ЎЗБЕКИСТОН

С. Юдаков мусиқаси.
А.Мухтор шеъри.

Allegro moderato





бахт - ма - ё - ги, бахт - ли - сан қар - дош - лик
ҳар то - ла - си, фа - ро - вон эл - - лар - ни
о - и - ла - си - да, те - панг - да ҳил - пи - рар
шоқ - лан - ти - рар, гў - ё - ки оф - тоб - нинг
эрк бай - ро - ги.
соф шў - ла - си.
дўст - лик - да қуд - ра - тинг
ўз - бе - кис - тан мех - нат - да
tr
f


шӯх - ра - тинг, ӯз - бе - - кис - тон!
ӯз - - бе - - - кис - тон.
до - - - - им бўл о -
- мон!
жон,




1. Бепоён юртимнинг бир гулбоғи,
Қуёшдан нур олган бахт маёғи,
Бахтлисан қардошлик оиласида,
Тепангда ҳилпирар эрк байроғи.

Истиқлол машъалин зар жилоси,
Ўзбекнинг пахтасин ҳар толаси,
Фаровон элларни шодлантирар
Гўёки офтобнинг соф шўъласи

Нақорот:
Дўстликда-қудратинг, Ўзбекистон
Меҳнатда-шуҳратинг, Ўзбекистон
Ўзбекистон, доим бўл омон.

2. Қаҳрамон халқ учун сен ифтиҳор,
Бахтиёр умримда сен навбаҳор,
Қўшиғинг тилимда ҳур янграйди,
Навқурон кўнглимдай соф беғубор.

Бепоён юртимнинг бир гулбоғи,
Қуёшдан нур олган бахт маёғи,
Бахтлисан қардошлик оиласида
Тепангда ҳилпирар эрк байроғи.

Нақорат:
Дўстликда-қудратинг, Ўзбекистон
Меҳнатда-шуҳратинг, Ўзбекистон
Ўзбекистон, доим бўл омон.

# ҲОСИЛ ТАРОНАСИ

М.Левиев мусиқаси
Т.Тўла шеъри






БИБЛИОТЕКА
Инв. № 159008




Завқ ила бошланди букун
Ҳосилимиз таронаси!
Шон мавжида жилоланур
Истиқлолнинг нишонаси:

Олқиши босмиш элининг
Шеърида ҳам, созида ҳам,
Мардига минг-минг офарин
Ялласи-парвозида ҳам!
О.. . Мустақиллик, шавкатим –шоним. (2марта)

Яшна, юксал, озод Ватан,
Фароғатда обод Ватан!
Шарққа машъал бўлиб порла,
Порла мангу, ҳур,шод Ватан:

Бўлсин омон, бўлсин омон,
Сен яшнаган эркин замон!
Ёндириб душманлар кўзин
Порла-порла эй жонажон!
О.. . Мустақиллик, шавкатим –шоним. (2марта)

# БАХТ ҚУЁШИ

Ф.Садиқов мусиқаси
М.Қориев шеъри.




Бах-ти кул-ган бу ҳал-қим-нинг кўз-ла-ри-да
се-винч ёш се-винч ёш
a tempo
Бу қу-ёш-ни бахт қу-ё-ши
ritenuto
f
a tempo
деб а-та-ди ҳар ин-сон
бу қу-ёш-ни бахт қу-ё-ши
1.2.
тамомлаш учун
ten
деб а-та-ди ҳар ин-сон
кун-дан кун-га кенг Ва-тан.
ten.
ritenuto

Ватан бўйлаб балқиб чиқди эрк қучоғлаб бир қуёш,
Шуласидан истиқболнинг ёрқинлиги чароғон.
Бахти кулган бу халқимнинг кўзларида севинч ёш,
Бу қуёшни бахт қуёши деб атади ҳар инсон.

Ватан узра шу қуёшнинг нури мунаввар бўлди,
Истиқлолнинг чароғлари ёғду-сочди йўлларга,
Озод шарқмиз дилимизга минг-минг қувончлар тўлди,
Она халқим йўлланмаси ҳаёт берди чўлларга.

Дилимизда инсонийлик туйғулари пойдевор,
Бу ҳамжиҳат оилада, ҳамма бир жону бир тан.
Фаровонлик йўлларида Ўзбекистон байроқдор,
Дўстлик номи билан яшнар кундан-кунга кенг Ватан.

## ВОДИЙ ДУРДОНАСИ

Г. Қодиров мусиқаси.
Х.Шарипов шеъри.

Allegretto




1. { Кул-ган ба-ҳор-да, ёр-қин на-ҳор-да,
фар-го-на дер-лар, дур-до-на дер-лар,
оф-тоб ту-гил-гай биз-нинг ди-ёр-да.
мар-до-на тур-гай до-ни-ма қа-тор-да
1. { Так-кос э-тар-лар
ёр қал-би соч-ган
Тоғ-лар-га қад-дин, кўр-кин кў-рор-лар кўр-кам чи-нор-да.
ҳар зар-ра шар-бат, ё-қут-га ўх-шаб яш-нар а-нор-да.
p
mf
f
(а)
(а)


Ёр қал-би соч-ган ҳар зар-ра шар-бат
mf
қайтариш учун.
ё-қут-га ўх-шаб яш-нор а-нор-да.
rit.
тамомлаш учун
янг-роқ ду-тор-да.
rit.
жон.
mp
ff

Кулган баҳорда, ёрқин наҳорда,
Офтоб туғилгай бизнинг диёрда.
Фарғона дерлар, дурдона дерлар,
Мардона тургай доим қаторда.

Таққос этарлар тоғларга қаддин,
Қўркин кўрарлар кўркам чинорда.
Ёр қалби сочган ҳар зарра шарбат,
Ёқутга ўхшаб яшнар анорда.

Покиза юзлар офтобга ўхшар,
Қолмас бу офтоб асло ғуборда.
Фарғона дерлар, дурдона дерлар,
Мардона тургай доим қаторда.

Дилларда завқ бор, қўлларда қудрат,
Бир ярашайлик кенг чаманзорда.
Кўнгилда борин куйланг, азизлар,
Мен жўр бўлурман янгроқ дуторда.

# ЧАМАН ИЧРА

Ўзбек халқ қўшиғи.
Т.Тўла шеъри.

Allegro moderato




p
ё-рим сен-да ҳа-ё- - - лим(о...),
ча-ман ич- - ра,
f
mf cresc.
Ке-ча ха-тинг- - ни о- - либ
p cresc.
ча-ман ич- - ра бор ич - ра


ff
Гул-дай кул-ди жа-мо- - - - лим(о...),
f
ча-ман ич - - ра.
1.2.3
ff
4.
- ра.

Сочларим толим-толим, чаман ичра,
Ёрим, сенда хаёлим, чаман ичра.
Кеча хатингни олиб, чаман ичра, боғ ичра
Гулдай кулди жамолим, чаман ичра.

Дилим, хаёлим сенда, чаман ичра
Сен яратган чаманда, чаман ичра,
Иқболимиз очилган, чаман ичра, боғ ичра,
Шундай гўзал замонда, чаман ичра.

Сочларим толим-толим, чаман ичра,
Майдалаб ўролмайман, чаман ичра,
Ёрим янги ерларда, чаман ичра, боғ ичра,
Мен ҳам ундан қолмайман, чаман ичра.

Мен ҳам кетдим чўл билан, чаман ичра,
Ўзинг кетган йўл билан, чаман ичра,
Мени унда кутиб ол, чаман ичра, боғ ичра,
Ўзинг эккан гул билан, чаман ичра.

# АЛЛА

И.Акбаорв мусиқаси
("Хамза х.н")- қ/ф:-дан

Andante contabile




ёр бўй-ни-га ту-шар би-лак,
йўқ мен-да(ё) ал-ла(ё) ал-ла(ё)
ту-шар би-лак йўқ мен-да(ё) ал-ла(ё).
ал-ла.


Ба-ҳор ке-либ қор кет- ма-са
mp dolce
ал- ла гул о-чи-либ Лш- на-мас ал-ла
pp
мен-дек ҳеч ким се-нинг, дар-ду(ё)
cantabile
ал- ла(ё) ал- ла(ё) ға-минг би-лан ош- - - на-




Мен дунёда сени севдим,
Бошқа тилак йўқ менда(ё) – (аллаё,алла)
Сендан бошқа ёр бўйнига
Тушар билак йўқ менда(ё) – (аллаё,аллаё).

Баҳор келиб, қор кетмаса, (алла)
Гул очилиб яшнамас.. . (алла)
Мендек ҳеч ким сенинг дарду-(ё) – (аллаё,аллаё)
Ғаминг билан ошнамас (ё) – (аллаё,алла, аллаё,алла)

# ДАВРОН СУРАЙЛИК

Ўзбек ҳалқ қушиги

Ҳ. Рахимов фор-но билан куйлашга мослашган






1. Боғ аролаб бораман,
Саҳро аролаб бораман.
Бу Ватан қўйнидаман,
Гуллар саралаб бораман.

Нақорат:

Ана ўйнайлик
Яна куйлайлик
Иқболимз ёрқин экан
Даврон сурайлик. —

2. Боғларинг нашват узум
Нақш олма бўлди гул юзинг,
Дўстларга дастурхон ёзай,
Номардга ... йўқ ширин сўзим.

Нақорат. —

3. Марғилон конинг ипак,
Яшнайди бўстонинг ипак
Атласинг машҳур экан
Бўлди ғазалхонинг ипак.

Нақорат.

# ЁРИМ СЕНИ ЭСЛАЙМАН

("Ватан ишқи"- мус.др.дан)

С.Бобоев мусиқаси
Ш.Саъдулла ва З.Фатхуллин шеъри.






1. Ёрим сени эслайман,
Тоғу тошда ётганда.
Оёқ-қўлим титрайди,
Дўстларга ўқ отганда.

Ёрим, борай ёнингга,
Қулоқ солгин додимга.
Раҳминг келсин, адашган-
Шўр пешона ёрингга.

2. Дўстларга ўқлар отдик,
Ғаму ғуссага ботдик.
Ёвлар сўзига кириб,
Номусимиз йўқотдик.
Ёрим сендан айрилдим,
Ҳеч ким билмас оҳимни,
Ёрингмас ёвинг бўлдим,
Кечиргин гуноҳимни.

# СЕВИКЛИ ЁР

Ҳ.Изомов мусиқаси
М.Бобоев шеъри.




шун-дай чог-да тур-сак бун-да биз ён-ма-ён,
се-вик-ли ёр шун-дай чог-да
тур-сак бун-да биз ён-ма-ён.
cresc.
кел ё-ним-га ў-зинг бир
f


боқ, бу кенг кўм- кўк май-дон-лар-га.
Боқ-қан са- йин зав-қинг ор- тар биз я-рат-
-ган, бўс-тон-лар-га, боқ-қан са-йин
зав-қинг ор- тар биз я-рат- -ган бўс-тон-лар-
1.




Дарё узра кеч қўнмоқда
Қирғоқлари ҳўб чароғон,
Севикли ёр, шундай чоғда
Турсак бунда биз ёнма-ён.

Кел ёнимга, ўзинг бир боқ,
Бу кўм-кўк майдонларга.
Боққан сайин завқинг ортар
Биз яратган бўстонларга.

Қахрамоним, меҳнатингдан
Гул-гул яшнар лолазоринг.
Элга қилган ҳимматингдан
Қуванади севган ёринг.

Даланг обод – ҳосил мўлдир
Қўли гулсан - қаҳрамонсан.
Сўзинг билан ишинг бирдир,
Хўб йигитсан, мард ўғлонсан.

# ГЎЗАЛ ТОШКЕНТ

("Мафтунингман"- к/ф – дан)

М.Левиев мусиқаси
Т.Тўла шеъри.

Allegro moderato





қу-лоқ сол меҳ-мо-нинг-га(ё),
жо-нон ёр-ла-рим(о),
дил-бар жон-ла-рим
сев-ги-миз-ни йўр-гак-ла-динг, шод эт-динг,
Ле-кин қа-ни қай-га у-ни бер-кит-динг?
О...
О...
О...
О...
О...
О.. О... О..
p
mf


жон...
қон-дай са-хий, қон-дай гў-зал бо-ғинг бор,
бо-ғинг бор, сев-гинг би-лан ба-ми-со-ли ло-ла-зор ло-ла-зор
жон!
се-нинг би-лан о-шиқ-лар ҳам бах-ти-ёр,
p
mf
pp
cresc.


Гў-зал тош-кент қу-лоқ сол-мей-ме-нинг-га(ё)
жо-нон ёр-ла-рим
дил-бар жон-ла-рим
сев-ги-миз-ни
йўр-гак-ла-динг
шод эт-динг
ле-кин қа-ли
қай-га у-ни
бер-кит-динг
О...
О... О... О... О... О.. О.. О..
p
pp

Тонгнинг ели олиб келди сойингга,
Гуллар ҳиди гуркираган жойингга.

Юзим чайдим чиройингга, сойингга
Гўзал Тошкент қулоқ сол меҳмонингга (ё)
(Жонон ёрларим(о), дилбар жонларим)

Севгимизни йўргакладинг, шод этдинг,
Лекин қани, қайга уни беркитдинг?

Қандай сахий, қандай гўзал боғинг бор,
Севгинг билан бамисоли лолазор.

Сенинг билан ошиқлар ҳам бахтиёр,
Гўзал Тошкент қулоқ сол меҳмонингга (ё)
(Жонон ёрларим(о), дилбар жонларим)

Севгимизни йўргакладинг, шод этдинг,
Лекин қани, қайга уни беркитдинг?

# ДЎСТЛИК ҚЎШИҒИ

Д.Зокиров. мусиқаси
М.Қориев шеъри.

Moderato




-да денгиз то-мон-дан чўл-ғай-ди се-ни
жон А-зар-бой-жон
жон.
мо-ви су-винг-да
ой ак-си пор-лар се-ни кўр-ган-да ди-лим қу-ва-
-нар. бир о-и-ла-миз қон қар-ин-дош-миз




Гўзал хиёбон, гуллар очилган,
Муаттар ҳидлар ҳар ён сочилган.
Эсган шабода, денгиз тамондан,
Чўлғайди сени жон Азарбойжон

Мовий сувингда ой акси порлар,
Сени кўрганда дилим қуванар.
Бир оиладай қон-қариндошмиз,
Меҳримиз пайванд жон Азарбойжон.

Тўлқинлар каби жўшар қалбимиз,
Ҳар-бир орзумиз бунёд жаҳонда.
Дўстлик, қардошлик тинчлик аҳдимиз,
Шаҳдам борамиз жон Азарбойжон.

Гўзал хиёбон гуллар очилган
Муаттар ҳидлар ҳар ён сочилган
Бугун Бакуга мен бўлай меҳмон
Салом сенга эй жон Азарбойжон.

# ЭЙ ДИЛРАБО

Ш.Рамозонов мусиқаси.
О. Камтар шеъри




Кел ё-ни-ма, кел мар-ха-бо Кел гў-за-лим, кел эр-ка-лаб,
кел ё-ни-ма, кел мар-хобо.
f
p
rit
эй сев-ги-ли, гул юз-ли ёр, сен-га э-тай мен жон ни-сор
a tempo
mf


Ақ-лим о-либ, эй жон-ги-нам, эт-ма ме-ни кўп ин-ти-зор
Ақ-лим о-либ, эй жон-ги-нам эт-ма ме-ни кўп ин-ти-зор.
Томомлаш учун.
Жон-дан а-зиз сен дил-ра-бо бўл-син сен-га жо-ним фи-до.
rit
ppp
Кел ё-ни-ма эй дил-ра-бо эй дил-ра-бо (Ҳей)
rit.

Шаҳло кўзли, эй дилрабо,
Бўлсин сенга жоним фидо.
Кел гўзалим, кел эркалаб
Кел ёнимга, кел марҳабо.

Эй севгилим, гул юзли ёр,
Сенга этай мен жон нисор.
Ақлим олиб, эй жонгинам,
Этма мени; кўп интизор.

Эй гўзалим, эй дилбарим,
Сенсан менинг, болу парим.
Ёш кўнглимнинг гул боғида,
Тоза гулим, сен гавҳарим.

Шаҳло кўзли, эй дилрабо,
Аҳдинга сен айлаб вафо.
Ноз айлама, кел ёнимга,
Кел гўзалим, кел марҳабо.

Жондан азиз сен дилрабо
Бўлсин сенга жоним фидо.
(кел ёнимга эй дилрабо).

# МЕҲНАТ ЗАВҚИ

С.Юдаков мусиқаси
А.Мухтор шеъри.

Allegro moderato




эй тол-мас эр-ла-ри, ю-зин-гиз-да нур манг-лай тер-ла-ри
сиз-лар би-лан қулф у-риб
яш-най-ди
ўл-ка-миз-нинг бой, ча-ман
ер-ла-ри.
сиз-лар би-лан қулф у-риб


яш-най-ди.
ўл-ка-миз-нинг бой, ча-ман
ер-ла-ри.
1.2.
жон!
3.
жон!
8

Юртимизнинг эй, толмас эрлари,
Юзингда нур-манглай терлари,
Сизлар билан қулф уриб яшнайди,
Ўлкамизнинг бой, чаман ерлари.

Кенг далалар нурланар хирмондан,
Ўйнаб тиниқ сув оқар ҳарёндан,
Шўх қизларнинг сочини силайди,
Шамол келиб ям-яшил қирлардан.

Меҳнат сизнинг бахтингиз, кўркингиз,
Меҳнат билан яшнайди юртимиз.
Осмон бўйлаб, эл бўйлаб янграйди,
Меҳнат завқи, шўх-шодон кулгингиз.

# ЮРТИМ СЕНГА САЛОМ

Allegro moderato

Д. Зокиров мусиқаси
Зулфия шеъри




Бу-гун эрк бай-ра-ми-миз, се-винч тў-ла
ди-ли-миз. дил-да се-винч то-шар-кан, сен-га йўл-лай-миз са-лом.
се-нинг ў-зинг бўй бер-ган, куй бер-ган, чи-рой бер-ган.
Тенг-лар қа-то-ри-да тенг ту-риб дей-миз ас-са-


-лом.
о
жон.
ту-риб дей-миз
1. 2.
3.
ас-са-лом.

Бугун эрк байрамимиз,
Севинч тўла дилимиз.
Дилда севинч тошаркан,
Сенга йўллаймиз салом.
Сенинг ўзинг бўй берган,
Куй берган, чирой берган.
Тенглар қаторида тенг,
Туриб деймиз ассалом.

Озодлик мулкимиздир,
Ҳунаримиз яратиш.
Сен берган янги замон,
Яша дейди ҳур озод.
Ватан байроғи қўлда,
Дилга жо сенинг ғоянг.
Шуҳратимиз-шонимиз,
Барқарордир умрбод.

Фарзандлик фахри доим,
Жўш ураркан юракда.
Ютуқлардан, дўстликдан,
Сўзласак бўлмас тамом.
Эй, озодлик байроғи,
Яша, яша жаҳонда.
Шарқда машъал бўстондан,
Минг бор деймиз, асалом.

# ДУГОНАЛАР

С.Юдаков мусиқаси
Ш.Рашидов шеъри.

Allegro moderato




жам бў-ли-шиб, о-чи-либ, гул-зор - ми-сиз?
(жо- ней) о-чи-либ гул зор- ми-сиз (жон-
эй). жам бў-ли-шиб о-чи-либ, гул-зор- ми-сиз? (жон- эй).
о-чи-либ, гул-зор-ми-сиз, (жо- ней) бор- ми-сиз,


ё- рай жон
f
Ҳеч қон-дай куч
тр
биз-ни ҳа-зон э-тол-мас,
f
p
Бў-рон хо-руд,
му-ро-ди-га е-тол-мас!
f
жам бў-ли-шиб,
p


о-чи-либ гул-зор-ми-сиз (жо-ней)
о-чи-либ гул-
-зор-ми-сиз, (жо-ней). бор-ми-сиз ё-рай жон.
1.
2.
жон.
эй.

Дугоналар, бормисиз, омонмисиз? — 2 марта
Жам бўлишиб, очилиб, гулзормисиз (жоней) – 2 марта
(бормисиз, ёрай жон).

Ҳеч қандай куч бизни хазон этолмас,
Бўрон хоруд муродига етолмас!
(Жам бўлишиб, очилиб, гулзормисиз -жоней) – 2 марта
(бормисиз, ёрай жон).

Обод бўлур баҳоримиз, боғимиз - 2 марта
Ёв енгилсин, бош бўлинг ўртоғимиз (жоней) –2 марта
(бормисиз, ёрай жон).

Қора кучлар гулистондан қувилсин!
Гуллар барги шабнам билан ювилсин!
(Жам бўлишиб, очилиб, гулзормисиз -жоней) – 2 марта
(бормисиз, ёрай жон).

## ТАРАЛДИ-ШОДИЁНА

Т.Азимов мусиқаси
П.Мўмин шеъри.

Moderato




Ғў-за-лар-да ҳар шо- - - - на
оч-моқ-да гул дур-до- - - на.
Пай-кал-лар-га во-дий-га та-рал-ди шо-ди-ё-на.
1.
та-рал-ди шо-ди-ё- - - на.


Пах-та гу-ли су-лув гул
йил-дан йил-га хо-сил мўл.
Дех-кон-лар-нинг кў-ли гул
мак-сад-ла-ри
го-на


мақ-сад-ла-ри я- го- - - на.
Ма-йин ку-либ ке-лар куз
Қў-йин тў-либ ке-лар куз
Хир-мон бў-либ ке-лар куз


Тар-қар дов-рук та-ро — на
тар-қар дов-рук та-ро — — —
— на.
Ғў-за-лар-да хар-шо — — —
— на
оч-моқ-да гул дур-до — —
— на.
Пай-қал-лар-га во-дий — га




Ғузаларда ҳар шона
Очмоқда гул дурдона (2 марта).
Пайкалларга водийга,
Таралди шодиёна (2 марта).

Пахта гули сулув гул,
Йилдан-йилга ҳосил мўл.
Деҳқонларнинг қўли гул,
Мақсадлари ягона. (2 марта).

Майин кулиб келар куз,
Қуйин тўлиб келар куз.
Хирмон бўлиб келар кўз,
Тарқар довруқ тарона. (2 марта).

Ғузаларда ҳар шона
Очмоқда гул дурдона
Пайкалларга водийга
Таралди шодиёна. (2 марта)

# ПАХТАЗОРГА ПАРВОНАЛАР

И. Ҳамраев мусиқаси
Ё.Мирзо шеъри.

Moderato




f
„Бу гул-шан-нинг боғ-бо-ни ким?“ де-сам, қиз-лар у-ё - ла-дир,
mf
dim
1.
де-сам, қиз-лар у-ё - - ла-дир.
dim
2.
-дир.
crescendo
f


f
О...
Пах-та-зор-га
пар-во-на-лар,
бо-тир су-лув, мар-до-на-
-лар
бо-тир су-лув, мар-до-на-лар,
rit.
a tempo
мар-до-на-лар.
Сиз ун-ди-риб дур-до-на-
ritenuto
P a tempo


-лар,
я-рат-дин-гиз аф-со-на-лар,
1.
2.
-лар,
лар,
А....
А...
p
я-рат-дин-гиз
pp
аф-со-на-лар.

Пахта эмас, оқ лоладир,
Дурга тўлган пиёладир.
"Бу гулшаннинг боғбони ким?"
Десам, қизлар уёладир.

Нақорат:
Пахтазорга парвоналар,
Ботир, сулув мардоналар.
Сиз ундириб дурдоналар,
Яратдингиз афсоналар.

Ой ботмасдан уйғонади,
Сочи белда чўлғонади.
Ҳар шиҳолни асраб жондан,
Ишқи билан тўлғонади.

Нақорат.

Юлдуз борми чаноғларда,
Кун жилоси ёноқларда.
Гўзал қизлар! Йигитларни,
Қолдирманглар қийноқларда.

Нақорат.

# ЧЎПОН ЙИГИТ ВА ҚИЗ ДУЭТИ

Д.Зокиров фор-но билан куйлашга мослаган.

Халқ куйи.
Н.Баракаев шеъри.

ALLEGRO MODERATO






(Х)-иккинчи куплетни қайтаришда биргалашиб айтмоқ лозим.




Йигит:
Эй қишлоғим барно қизи, қошинг камон,
Бир қайрилиб боқмайсан менга тамон.
Чўпон бўлсам гуноҳмиди ўргилай,
Хижрон аро ташлаб рангим этма самон.

Қиз:
Баланд тоғда боқасан қўю-қўзи,
Бошингдаги телпагинг сурни ўзи.
Ёлғон экан эй чўпон айтган сўзинг,
Бормисан деб келмайсан кеч-кундузи.

Йигит:
Баҳор чоғи кўпаяр пағабулут,
Севган ёрим, қўйлагинг қизил барқут.
Мана келдим босайин чанқовимни,
Сен акс этган соф булоқдан менга тут.

Қиз:
Дўппи тикдим шойидан меҳрим қўйиб,
Йигитлардан танладим сени суйиб.
Булоқ бўйи салқин экан ўлтир чўпон,
Кўзларингга боқайин тўйиб-тўйиб.
Йигит ва Қиз:
Булоқ бўйи салқин экан ўлтир жоним
Кўзларингга боқайин тўйиб-тўйиб.

# КУЙЛАЙМАН

А.Муҳаммедов мусиқаси
О.Камтар шеъри.

Allegro moderato




Даврим гӯзал, чин со-ҳи-би дав - рон - ман. Куй - лай - ман, жон дӯст-
лар, куй-лай-ман. Даврим гӯзал, чин со-ҳи-би дав - рон - ман.
Куй - лай - ман, жон дӯст-лар, куй-лай-ман.
Меҳнат зав-қи қай-нар баҳор, ё - зим - да




*) фермата белгиси қайтариш учунгина хосдир.




Жаҳонда энг бахти кулган инсонман,
Мен халқимнинг бахт-иқболин куйлайман.
Даврим гўзал, чин соҳиби давронман.
Куйлайман, жон дўстлар, куйлайман.
Меҳнат завқи қайнар баҳор, ёзимда,
Зафар оҳанглари жўр овозимда,
Эркин ҳаёт таронаси созимда.
Куйлайман, жон дўстлар, куйлайман.

Жаҳон янграр ғалабамнинг бонгидан
Онг оламан Даҳоларнинг онгидан,
Нурлар эмиб истиқлолнинг тонгидан
Куйлайман, жон дўстлар, куйлайман.
Йўлбошчим бор- менинг меҳрибоним бор,
Пойтахтим бор- шарафим бор, шоним бор,
Қувончим бор : токи танда жоним бор,
Куйлайман, жон дўстлар, куйлайман.

# ОҚ КАПТАР

Н.Хасанов мусиқаси
М. Бобаев шеъри

Allegro moderato




Ай-ла-ниб уч ба-ланд уч, о...
о... ха-бар кел-тир ё-рим-дан, жон...
ха-бар кел-тир ё — — рим — дан,
фи-ро-қи-да куй-ди-риб сар-сон қил-ға-нинг
Ке-либ бир йуқ-лай де-мас ё-ки мен-дан


оз - ми.
а-раз - - - ми.
ке-либ бир йўқ-лай де-мас
ё-ки мен-дан а-раз - ми.



Ай-ла-ниб уч ба-ланд уч, о... ха-бар кел-тир
ё-рим-дан жон... ха-бар кел-тир ё- - - рим-
-дан
тамомлаш учун
о... о...
жон... ха-бар кел-тир ё- — рим- дан.
pp

Оқ каптар чинни каптар
Учиб ўт гулзоримдан - - - - - - 2м.
Айланиб уч, баланд уч, / о,о,о/
Хабар келтир ёримдан / жон/ - 2марта.
Фироқида куйдириб,
Сарсон қилганинг озми?
Келиб бир йўқлай демас
Ёки мендан аразми? 2 марта

Айланиб уч, баланд уч, / о.о.о/
Хабар келтир ёримдан / жон/ - 2марта.

_ _ _ _ _ _ _ _ " " " " " " _ _ _ _ _ _ _

Севганим, севган доим
Мен қайтмайман онтимдан - 2м.
Берган аҳду паймонинг / о. о. о./
Қандай чиқсин ёдимдан / жон/ 2м.
Ёримдан хабар топсанг,
Келиб қўнсин боғимга,
Шоҳи қанотинг ўпиб,
Суртайин қабоғимга 2м.

Айланиб уч, баланд уч, / о,о,о/
Хабар келтир ёримдан / жон/ - 2.
/ о. . , хабар келтир ёримдан./

# СЕНСАН БОҒУ ГУЛШАН
(романс)

Ф.Назаров мусиқаси
Х.Расул шеъри.

Moderato




f
Нав-ба-ҳор да-ла-лар-да тер-дик гу-лу раъ-но.
f
сев-ги-нинг эр-так-ла-ри бўл-ди дил-да пай-до.
p
ҚАЙТАРИШ УЧУН
сев-ги-нинг эр-так-ла-ри бўл-ди дил-да пай-до.
p
ТАМОМЛАШ УЧУН
-лар.
cresc



1. Жононим, ой юзлигим,
Боғда тоза гулсан.
Кўнглимни мафтун этган
Сенсан боғу гулшан.

Навбаҳор далаларда,
Тердик гулу раъно.
Севгининг эртаклари
Бўлди дилда пайдо. } 2 м.

2. Чаманзор юртимизда
Яшнар бахту тилак.
Оташин севги билан
Урар икки юрак.

Сен менинг вафодорим,
Ўтар шодон кунлар
меҳнатда бирга доим
тўлди завққа диллар. } 2 м.

3. Озод, ҳур меҳнатингдан
Яшнар дала минг бор
Гул юзли, ширин сўзлар
Жондек менга дилдор.

Гулларинг соясида
Бўлдик бирга доим
Умрбод бу ҳаётда
Сенсан тўлин ойим

Топдик бахту роҳат
Дилда шавқу лаззат.

# ЙЎЛЛАРИМ

М.Жалилов клавирга ўзгартириш киритган.

М.Ашрафий мусиқаси.
Т.Тўла шеъри




Ба-хор бў-йи а-дир-лар-ни тут-ган-да,
Жан-нат-да ҳам то-пил-май-ди бу чоғ-лар.
бу чоғ-лар, бу чоғ-лар, о...
Ба-ҳор кел-ди ча-ман бўл-ди


гул - ла - рим,
Ча-ман бўл-ди
ёл - гиз о - ёқ
йўл-ла-рим.
Жил-га-лар-дек
йил-га-лар-дек
ю-гу- рак,
Ел-дек ел-да
ёл- гиз о - ёқ
p
pp
Қайтариш учун
Тамомлаш учун
йўл-ла-рим.
йўл-ла-рим.
ё - ши-дан.
mf
pp

Баҳор келса гул бўлади бу тоғлар,
Булбуллардан эгилади бу тоғлар.
Баҳор бўйи адирларни тутганда,
Жаннатда ҳам топилмайди бу чоғлар.

Баҳор келди чаман бўлди гулларим,
Чаман бўлди ёлғиз оёқ йўлларим.
Жилғалардек, йилғалардек югурак,
Елдек елда ёлғиз оёқ йўлларим.

Қайдан қайга югурасан, еласан,
Йироқлардан нелар олиб келасан.
Болалигим, тойчоқлигим, шўхлигим,
Не кунларни бошгинамга соласан.

Уйим шу йўл, шу чаманнинг боғида,
Шу чаманнинг, шу довоннинг бошида.
Чанг кўринди, довон ошиб нагаҳон,
Хабармидир у муҳаббат ёшидан.

# ҚУЁШИСТОН

Andantino espressivo

Ҳ.Раҳимов мусиқаси
Сайёр шеъри.




Agitato
А-шу-ла-си ти-лим-да, а-шу-ла-си ди-лим-да;
А-шу-ла-си э-лим-да кўн-гил ов-лаб дил-ни бе-зай-ди.(ё)
ff
ўз-бек, дей-ман но-мим сўр-са-лар ўз-бек-ли-гим



му-бо-рак ун-вон.
юз-дай ё-руғ пах-там,
пах-там кўр-са-лар,
ум-рим ол-тин дўст-га меҳ-ри-бон.
1.
2.
p
ff




1. Қуёш тўкар бошимдан зиё
Қучоғимда мердан шуъла.
Мавж уради бағримда дарё
Мангу менга тўқиб ашулла.

Нақорат:

Ашуласи тилимда,
Ашуласи дилимда,
Ашуласи элимда,
Кўнгил овлаб дилни безайди.

Ўзбек дейман номим сўрсалар,
Ўзбеклигим муборак унвон.
Юздай ёруғ пахтам, пахтам кўрсалар
Умрим олтин дўстга меҳрибон.

2. Ҳар бир гардим кўзга тўтиё,
Шифо яшар томчи сувимда,
Кўксим тўла ҳаётбахш зиё,
Гул-лолалар унар кўксимда.

Нақорат:

Ашуласи тилимда,
Ашуласи дилимда,
Ашуласи элимда,
Кўнгил овлаб дилни безайди.
Ўзбек дейман номим сўрсалар,
Ўзбеклигим муборак унвон.
Юздай ёруғ пахтам, пахтам кўрсалар
Умрим олтин дўстга меҳрибон.

# ЎЗГАЧА

Д.Зокиров мусиқаси
З.Фатхуллин шеъри.

Moderato




ор-ти-рар қай-ғу-ла-рим но-зу фи-ро-қи ўз-га-ча.
ким-га дей
хас-рат-ла-рим бир аҳ-ду фар-мон бўл-ма-са
О... дар-ди-ни айт-ган би-лан


дор-димга дар-мон бўл-ма-са о...
жон фи-до қил-дим не-тай иш-қи-да ҳар кун
сар-га-йиб о-қи-бат бил-са-му-нинг
аҳ-ду ва-фо-си ўз-га-ча ўз-га-ча
mf f p

Бу дутор ўзгармаган, аммо садоси ўзгача,
Ғунча гул очилмаган, ҳусни жилоси ўзгача.

Билмадим ёр кўнглида не муддаоси бор экан,
Ортдирар қайғуларим, нозу фироқи ўзгача.

Кимга дей ҳасратларим, бир аҳду фармон бўлмаса,
Дардини айтган билан, дардимга дармон бўлмаса.

Жон фидо қилдим нетай ишқида ҳар кун сарғайиб,
Оқибат билсам унинг, аҳду вафоси ўзгача.

## ЮРАГИМНИ СЕЗАРСАН

("Дилбарим"- вокал сюитадан)

М.Насимов мусиқаси
Ҳ.Шарипов шеъри.

Andante contabile con animo




mf
Ку-муш шаб-нам ё-ниб ту-рар
Гул-лар эк-дим у-зар-сан деб
p
Че-чак-лар-нинг ё-но-ги-да.
Мун-га ме-ни со-гин-ти-рар.
ю-ра-гим-ни се-зар-сан деб.
ме-нинг сев-гим ё-зил-ган-дир.
А-зиз ё-рим тонг чо-ги-да.
мун-га ме-ни со-гин-ти-рар
ҳар бир ни-ҳол яп-ро-ги-да.
ме-нинг сев-гим ё-зил-ган-дир
а-зиз ё-рим тонг чо-ги-да
ҳар бир ни-ҳол яп-ро-ги-да.
poco piu mosso animato
mf


Гў-зал бо-гим по-ён-до-зинг, о-қар дар-ё ку-муш со-зинг
f
rall
гў-зал бо-гим по-ён-до-зинг о-қар дар-ё ку-муш со-зинг
p a tempo
Ар-доқ-ла-йин ум-рим бў-йи я-шил о-лам қу-чо-ги-да.
p
я-шил о-лам қу-чо-ги-да ку-муш шаб-нам ё-ниб ту-рар




Кумуш шабнам ёниб турар
Чечакларнинг ёноғида.
Мунча мени соғинтирар,
Азиз ёрим тонг чоғида (2 марта)

Гуллар экдим узарсан деб,
Юрагимни сезарсан деб.
Менинг севгим ёзилгандир,
Ҳар бир ниҳол япроғида (2 марта).

Гўзал боғим паёндозинг,
Оқар дарё кумуш созинг
Ардоқлайин умрим бўйи
Яшил олам қучоғида. (2 марта).

Кумуш шабнам ёниб турар,
Чечакларнинг ёноғида.
Мунча сени соғинтирар,
Азиз ёринг тонг чоғида (2 марта)

# СОВҒА ҚИЛДИМ ИСИРҒА

("Ватан ишқи"- мус/др.дан
Олимжон ва Зулфи дуэти)

С.Бобоев мусиқаси
Ш.Саъдулла ва З.Фатхулин шеъри




Ҳам-ма кў-риб кў-син деб (о) (ё-рим)
Зулфи:
о...
Бах-ти-ёр ёш
Олимжон:
о....
ё - ри жо - ним.
Бах-ти-ёр ёш
ик-ки дил Қу-ванг-лар-га тўл-син деб Қу-ванг-лар-га
ик-ки дил Қу-ванг-лар-га тўл-син деб қу-ванг-лар-га тўл-син деб
rit.


a tempo
Тўл-син деб Бах-ти-ёр ёш ик-ки дил (ё-рим) жон
Бах-ти-ёр ёш ик-ки дил (ё-рим) жон-
Қу-ванч-лар-га тўл-син деб (ё-рим)
Қу-ванч-лар-га тўл-син деб (ё-рим)
Тоғ-лар-дан ба-ланд ош-ди (ё-рим)
Тоғ-лар-дан ба-ланд ош-ди (ё-рим)

Олимжон:
Совға қилдим исирға,
Ёрга ёдгор бўлсин деб.

Зулфи :
Қулоғимга тақаман,
Ҳамма кўриб қуйсин деб.

бирга:
Бахтиёр ёш икки дил,
Қувончларга тўлсин деб. (2 марта).

Олимжон:
Ҳадя қилдим исирға,
Тенг кўрарсиз олтинга.

Зулфи
Олтиндан ҳам зиёда,
Ёрим ҳадяси менга.

бирга:
Кўзларимнинг қораси,
Меҳри гиёси сенга. (2марта).

Олимжон:
Ҳадя қанча ярашди,
Чиройинг ҳаддан ошди.

Зулфи:
Шу топдаги қувончим,
Дарё сингари тошди.

бирга:
Ишқу муҳаббатимиз,
Тоғлардан баланд ошди. (2 марта).

# ЁР КЕЛСИН

Ш.Рамазанов мусиқаси
Тўлқин шеъри.

Allegro moderato




йўл-ла-ри-га кўз тик-дик
Ху-мо-ри-га ёр кел-син.
қо-ра зул-фин эр- - ка-лаб
са-бо ўй-наб эр- - - та-лаб
Хай-дар ко-ки-лин


Та-раб на-хо-ри-га ёр кел-син.
ло-ла-зор-дан
су-роқ-лаб кўк-си-га че-чак бог-лаб
сир-дар-ё-ни ё-қа-лаб хуш-то-ри-га


ёр кел - син.
Бун-да му-саф - фо ҳа-во ҳа-во - си дард-
-га да-во ҳа-ла - си-да минг на-во
ду-то - ри-га ёр кел-син.


Ви-со-ли-га Ху-мор--ман
сў-зи-га ин--ти-зор--ман Ях-ду ва-фо--
-да бор--ман. қа-ро-ри-га ёр кел-син.
ritenuto a tempo
ritenuto a tempo

Янги ерга гул экдик, гулзорига ёр келсин,
Йўлларига кўз тикдик, хуморига ёр келсин,

Қора Зулфин эркалаб, сабо ўйнаб эрталаб,
Хайдар кокилин тараб, наҳорига ёр келсин.

Лолазордан сўроқлаб, кўксига чечак боғлаб,
Далаларни ёқалаб, хушторига ёр келсин,

Бунда мусаффо ҳаво, ҳавоси дардга даво
Даласида минг наво, дуторига ёр келсин.

Висолига хуморман, сўзига интизорман,
Аҳду вафога борман, қарорига ёр келсин,

# ИНТИЗОРМАН

**Умеренно**

Ш.Рамазанов мусиқаси
М.Рахмон шеъри.




-га.
-ви
Кел-зор эт-ма
Жду я пер-во---го
ме- нинг жа-ним
сви-дань-я
ло-ла ю-зинг-
взгля-дом по-за-
1
-га
-ви.
2
-за.
-ви.
Ое-мо-ним-да
Ты ли-цом лу-
сен чақ-на-ган
-ны пре-крас-ной
шаҳ-ло чўл-по--ним
го-лос твой сви-рель
Кўнг-лим бо-ғин
И сму-щен-но
гул-зор эт-ган
звез-ды гас-нут
мо-ҳи-то-бо--ним.
Пред кра-сой тво-ей
Бу бо-ғим-га
И гла-за пол-
ў-зинг бўл-гин
-ны си-янь-я



тан-хо бог-бо - ним, таш-на бул-дим эй сев-ги-лим
э-то свет люб - ви жду я пер-во - га сви-дань-я
ма-йин ку-йинг - га. Кел зор эт-ма ме-нинг жо-ним
взгля-дом по-зи - ви жду я пер-во - го сви-дань-я
ло-ла ю-зинг - га Кел зор эт-ма ме-нинг жо-ним
взгля-дом по-за - ви жду я пер-во - го сви-дань-я
ло-ла ю-зинг-га -га. О....
взгля-дом по-зо-ви -ви

Кўзим тушди қизлар аро дилбар ўзингга,
Меҳр билан порлаб турган қора кўзингга.
Чин қалбимдан ишонаман берган сўзингга,
Кел зор этма менинг жоним, лола юзингга.

Осмонимда сен чақнаган шахло чўлпоним,
Кўнгил боғин гулзор этган моҳитобоним,
Бу боғимга ўзинг бўлгин танхо боғбоним,
Ташна бўлдим эй севгилим майин кўйингга
(Кел зор этма менинг жоним, лола юзингга.) (2 марта.)

С той поры, как я увидел чёрные глаза,
Понял я, что позабыть их никогда нельзя,
Понял я, что их сиянье-это свет любви,
Жду я первого свиданья взглядом позови.

Ты лицом луны прекрасной голос твой – свирель,
И смущенно звезды гаснут пред красой твоей.
И глаза полны сиянья это свет любви,
Жду я первого свиданья взглядом позови.

# ОТМАГАЙ ТОНГ

("Тохир ва Зўҳра"- мус.др.дан дуэт.)

Т.Жалилов мусиқаси
С.Абдулла шеъри

М.Жалилов клавирга ўзгартириш киритган

Moderato




-са,
Бул-бу-ли шай- -дс-лар-инг гул
уз-ра нс- -лсн бул- -ма-са.
Тахир: cresc.
ти-га ур- -син ўз- -ни у пар-
-во- -на-лар;
Пар-пи-рай саг-
mf
p
f
cresc.


рин ё-қув- чи шамъ-и-жо- нон бўл- ма-
иккови mf
dim
-са. Не қи-лай бу жон-ни ҳам ӯ-
-линг-да қур - бон бўл- ма- са.
1.
Тамомлаш учун.
-са.
mf
p
pp

Отмагай тонг боғаро азминг хиромон бўлмаса,
Булбулий шайдоларинг гул узра нолон бўлмаса.

Қайдан ишқ ўтига урсин ўзни у парволар:
Парпираб бағрин ёқувчи шамъи жонон бўлмаса.

Не қилай бу жонни ҳам, йўлингга қурбон бўлмаса,
Шамидек куйган ҳамиша жисмизор мен нетай,

Биргина парвона ҳам қошингга меҳмон бўлмаса.
Санчабер сўзден тиканлар кўксимга эй ғунча лаб,

Не қилай бу, жонни, куймас бўлса ишқнинг ўтида.
Не қилай бу жонни, ҳам йўлингда қурбон бўлмаса.

## ЎРИК ГУЛЛАГАНДА

М.Левиев мусиқаси
Х.Олимжон шеъри.




mf
Нов-да-лар-ни бе-заб гун-ча-лар, тонг-да
Ва шаб-бо-да қур-гур илк са-ҳар о-либ
mp
айт-ди ҳа-ёт о-ти-ни ёр, ёр,
кет-ди гул-нинг то-ти-ни
p
ёр, ё-ринг-ма-не. ҳар ба-
mp
ҳор-да шу бу-лар так-рор, ҳар ба-ҳор ҳам


шун-дай ў-та - ди.
қан-ча ти-риш- - сам ҳам у бе-
-ор, ел-лар ме-ни ал-даб ке-та- ди-ё,
ёр, ёр, ёр, ё - - ринг-ма-не.


ма-на сен-га о-лам о-лам гул (гул) э-та-гинг-га
сиқ-қа-ни-ча ол (ол) бун-да то-ле ҳар нар-са-дан
мўл (жон), то ўл-гун-га шу ўл-ка-да қол.
жон, то ўл-гун-га шу ўл-ка-да қол.


mp
ҳар ба-
f
mp
-ҳор-да шу бў-лар так-рор, ҳар ба-ҳор ҳам
шун-дай ў-та-ди. қан-ча ти-риш- -сам ҳам у бе-
mp
-ор, ел-лар ме-ни ал-даб ке-та-ди-ё,




Новдаларни безаб ғунчалар,
Тонгда айтди ҳаёт отини (ёр,ёр,ёр, ёрингмане).
Ва шаббода қурғур илк сахар
Олиб кетди гулнинг тотини (ёр,ёр,ёр, ёрингмане).

Ҳар баҳорда шу бўлар такрор,
ҳар баҳор ҳам шундай ўтади.
Қанча тиришсам ҳам у беор-
Еллар мени алдаб кетади. (ёр,ёр,ёр, ёрингмане).

Мана сенга олам-олам гул (гул),
Этагингга сиққанича ол (ол).
Бунда толе ҳар нарсадан мўл (жон),
то ўлгунча шу ўлкада қол.

Ҳар баҳорда шу бўлар такрор,
Ҳар баҳор ҳам шундай ўтади.
Қанча тиришсам ҳам у беор –
Еллар мени алдаб кетади. (ёр,ёр,ёр,ёрингмано)

# ИШҚИНГДА ЁНИБ

Х.Рахимов мусиқаси
Ў.Рашид шеъри.

Allegro moderato




мен_сен_га хуш_тор, мен сен_га хуш_тор.
бо_ги ба_хо_рим ул_кам,
кез_ма_сам бир_дам, кез_ма_сам бир дам,
баг_ринг ча_ман зо_ринг_ни,


бў_лур_ман ху_мор,
бў_лур_ман ху_мор,
қалб_да ви_қо _ рим ўл_кам.
А...


бў_лур_ман ху_мор,
бў_лур_ман ху_мор,
қалб_да ви_қо_рим
ўл_кам.
Тамомлаш учун

Меҳрим сенга ёр, ёру диёрим ўлкам,
Мен сенга хуштор, боғи баҳорим ўлкам.
Келмасам бир дам, бағринг – чаманзорингни
Бўлурман хумор, қалбда виқорим ўлкам.

Ҳуснингга боқиб саҳару шом тўймайман,
Сен менга ёқиб, қолдинг илҳом тўймайман.
Ишқингда ёниб, эмиб қайноқ меҳрингдан,
Дарёдек оқиб – тошиб, мудом тўймайман.

Мени шўх дарё қилган, ўша сен ўзинг,
Тилимни бурро қилган, ўша сен ўзинг
Бериб соз менга, қилиб жўр овозинг,
Булбулигўё қилган, ўша сен ўзинг.

Сен ўзинг ўша жаннат ва эрам боғи,
Қўшаю-қўша сенда олтинлар тоғи.
Қай бирин айтай, сиғмас қўшиқларимга,
Қаерга боқса ўткир, илҳом булоғи.

# БАХТИМ МАДОРИМ БОР

М.Юсупов мусиқаси
О.Камтар шеъри.

Allegretto




Э- лим меҳ-нат- - дан топ-ди бах- ти-ни кўн-гул фа-ро-вон-дур
Қу-вон-чим дил - га сиғ-мас гул - ла-ган бо-ғим ба-ҳо-рим бор,
Қу-ван-чим дил- га сиғ-мас гул- ла-ган бо- ғим ба-ҳо-рим бор.
Бе-за-ниб нур - га тў-либ ўз-


-бе-кис-тон я - шар-гай му-дом,
Бе-за-ниб нур - га тў-либ Ўз - бе-кис-тон я - шар-гай му-дом,
Ҳам-ма во-дий - ла-ри жан-нат - га мо-нанд гул ди-ё-рим бор.
Ҳам-ма во-дий - ла-ри жан-нат - га мо-нанд гул ди-ё-рим бор.



О.................................
Э-тиб туп-ро- гин бўс-тон, иш- ла-ган меҳ-нат- се-вар ҳал-қим
Фис-ку рў-зим Қу-ван-чим Яш- на-ган Кенг са- ман-зо-рим бор.
Ка-мол топ-син му-қад-дас бу


-Ва-тан то-бо- -ра зўр бўл-син у-шал-гай ор- зу-лар шак-сиз,
ме-нинг аҳ-ду қа-ро-рим бор Я-шар-ман ҳур
ва-тан-да дав- ла-тим баҳ-тим ма-до-рим бор, му-қад-дас юр-
-тим-да и-шон- -чим бор ва иф- ти-ҳо-рим бор.




Яшарман ҳур ватанда давлатим, бахтим, мадорим бор
Муқаддас юртимга ишончим бор ва ифтихорим бор.

Элим меҳнатдан топди бахтини, кўнгил фаровондир
Қувончим дилга сиғмас, гуллаган боғим-баҳорим бор.

Безаниб нурга тўлиб Ўзбекистон яшаргай мудом
Ҳамма водийлари жаннатга монанд гул диёрим бор.

Этиб тупроғин бўстон, ишлагай меҳнатсевар халқим
Рисқу-рўзим қувончим яшнаган кенг чаманзорим бор

Камол топсин муқаддас, бу Ватан тобора зўр бўлсин
Ушалгай орзулар шаксиз, менинг аҳду қарорим бор.

Яшарман ҳур ватанда давлатим, бахтим, мадорим бор
Муқаддас юртимга ишончим бор ва ифтихорим бор.

Яшарман ҳур ватанда давлатим, бахтим, мадорим бор.

МУНДАРИЖА


| | | |
|---|---|---|
| 1. Муаллифдан .................................................. | | ⓘ - бет |
| 2. Аннотациялар (методик тавсиялар) .................. | | 2 - 8 |
| 3. Ўзбекистон республикасининг Давлат мадҳияси | М. Бурхонов мусиқаси А. Орипов шеъри .............................. | 9 – бет |
| 4. Жон Ўзбекистон ................................ | С. Юдаков мусиқаси А. Мухтор шеъри | ...13... |
| 5. Ҳосил таронаси ................................ | М.Левиев мусиқаси Т. Тўла шеъри | ...17 ... |
| 6. Бахт қуёши ................................ | Ф. Содиқов мусиқаси М. Қориев шеъри | ...20.. |
| 7. Водий дурдонаси ................................ | Г. Қодиров мусиқаси Ҳ. Шарипов шеъри | 22... |
| 8. Чаман ичра ................................ | Ўзбек халқ қўшиғи Т. Тўла шеъри | ... 26 ... |
| 9. Алла («Ҳамза х.н.» к/ф - дан) | Ик. Акбаров мусиқаси | ... 30 ... |
| 10. Даврон сурайлик ........................ | Ўзбек халқ қўшиғи. Ҳ.Рахимов фор-но билан куйлашга мослаган. | ... 34 ... |
| 11. Ёрим сени эслайман ........................ («Ватан ишқи» - мус.др.дан) | С.Бобоев мусиқаси Ш.Саъдулла ва З. Фатхулин шеъри | ... 36 |
| 12. Севикли ёр ................................ | Ҳ. Изомов мусиқаси М. Бобоев шеъри | ... 38 .. |
| 13. Гўзал Тошкент ........................ («Мафтунингман» - к/ф – дан) | М.Левиев мусиқаси Т.Тўла шеъри | ... 42 ... |
| 14. Дўстлик қўшиғи ........................ | Д. Зокиров мусиқаси М. Қориев шеъри | ... 47.. |
| 15. Эй дилрабо ................................ | Ш. Рамазонов мусиқаси О. Камтар шеъри | ... 50 .. |
| 16. Меҳнат завқи ................................ | С.Юдаков мусиқаси А. Мухтор шеъри | ...54 .. |
| 17. Юртим сенга салом ........................ | Д. Зокиров мусиқаси Зулфия шеъри | ... 57 ... |
| 18. Дугоналар ................................ | С. Юдаков мусиқаси Ш.Рашидов шеъри | ...61.. |
| 19. Таралди – шодиёна ........................ | Т.Азимов мусиқаси П. Мўмин шеъри | ...65.. |
| 20. Пахтазорга парвоналар ..................... | Иб. Ҳамраев мусиқаси | |

| | |
|---|---|
| Пахтазорга парвоналар. | Ё. Мирзо шеъри ... 71 ... |
| 21. Чўпон йигит ва қиз дуэти .............. | Ҳалқ куйи ... 76 ...<br>Н. Баракаев шеъри ....... |
| 22. Куйлайман .................................. | А. Муҳамедов мусиқаси<br>О.Камтар шеъри ... 79 ... |
| 23. Оқ каптар .............................. | Н. Хасанов мусиқаси<br>М. Бобоев шеъри ... 83 ... |
| 24. Сенсан боғу гулшан ......................... | Ф. Назаров мусиқаси<br>Х. Расул шеъри ... 88 ... |
| 25. Йўлларим ................................<br>(М.Жалилов клавирга ўзгартириш киритган) | М.Ашрафий мусиқаси<br>Т.Тўла шеъри ... 91 ... |
| 26. Қуёшистон ................................ | Ҳ. Рахимов мусиқаси<br>Сайёр шеъри ... 95... |
| 27. Ўзгача ................................ | Д. Зокиров мусиқаси<br>З. Фатхуллин шеъри ... 99 |
| 28. Юрагимни сезарман ....................<br>(«Дилбарим» - вокал сюитадан) | М.Насимов мусиқаси<br>Ҳ.Шарипов шеъри ...102.. |
| 29. Совға қилдим исирға.......................<br>(«Ватан ишқи» - мус. др. дан Олимжон ва Зулфия) | С.Бобоев мусиқаси ...106..<br>Ш. Саъдулла, З. Фатхуллин шеъри |
| 30. Ёр келсин ................................ | Ш. Рамазонов мусиқаси<br>Тўлқин шеъри ... 110 ... |
| 31. Интизорман ............................ | Ш. Рамазонов мусиқаси<br>М. Раҳмон шеъри ...116 ... |
| 32. Отмагай тонг ..................................<br>(«Тохир ва Зухра» – мус др. дан дуэт)<br>М. Жалилов клавирга ўзгартириш киритган. | Т. Жалилов мусиқаси<br>С. Абдулла шеъри ...120 ... |
| 33. Ўрик гуллаганда .............................. | М. Левиев мусиқаси<br>Ҳ. Олимжон шеъри ...123 |
| 34. Ишқингда ёниб ............................ | Ҳ. Рахимов мусиқаси<br>Ў. Рашид шеъри ... 129 ... |
| 35. Бахтим мадорим бор ..................... | М. Юсупов мусиқаси<br>О.Камтар шеъри ...134 ... |

№ 200 Буюртма .500 нусха 27- сентябрь 2002 йил.Ҳажми 8,9 босма табоқ.
Низомий номидаги ТДПУ босмахонасида ризографда чоп этилди.